



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI “O‘ZARXIV” AGENTLIGI BUYRUG‘I

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги қошида Фахрийлар кенгашини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги тизимида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўз вақтида фаол ишлаб, намуна бўлган фахрий архивчиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, кекса ёшдаги архивчи ходимларни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини янада ошириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, катта авлоднинг архивларда тажриба алмашишини таъминлаб бориш, шунингдек, ёш архивчи ходимларни “Устоз-шогирд” анъаналарига садоқат, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги “Кекса авлод вакилларини жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 816-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги тизимида кекса авлод вакилларини ижтимоий фаоллигини ошириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик асосида доимий фаолият кўрсатадиган **“Фахрийлар кенгаши”** таркиби 1-иловага асосан тасдиқлансин.

2. Фахрийлар кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Фахрийлар кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

Архив иши ва иш юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритишда “Ўзархив” агентлиги фаолиятида иштирок этиш;

“Устоз-шогирд” анъаналарини кенг тарғиб қилиш;

архив иши соҳасида кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятда уларнинг ўрнини янада ошириш;

ошкоралик, жамоавийлик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилиқ, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олишни таъминлаш;

кексалар ва хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий йўналишда тарғибот ишларини олиб бориш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

фахрийларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларни ижтимоий фаолиятга жалб этишга кўмаклашиш;

кексалар учун уларнинг ёшани ҳисобга олган ҳолда турли ижтимоий-маданий тадбирлар, махсус спорт мусобақалари ва зиёлиларнинг бошқа вакиллари таклиф этган ҳолда ижодий кечалар ташкил этишга кўмаклашиш;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари юзасидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

4. Агентлик директори ўринбосари Ш.Садиков, директор маслаҳатчиси Ш.Турсунбаев:

Фахрийлар кенгашининг фаолияти учун зарур шарт-шароитларни ташкил этилишини таъминласинлар;

Фахрийлар кенгаши мажлисларини ташкил этиш, уларни зарур адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаб бориш, тадбирларни ташкил этиш чораларини кўрсинлар.

5. Фахрийлар кенгаши (Д. Закирова) Кенгаш фаолиятида архив соҳасида узоқ йиллар фаол ва фидокорона меҳнат қилган фахрийларни қўллаб-қувватлаш, улар билан суҳбатлар ташкил этиш, тадбирлар ўтказиш ҳамда архив иши ва иш юритиш соҳасида уларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланиш чораларини кўриб борсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон миллий архивлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари Фахрийлар кенгашининг асосий йўналишларидаги вазифаларини амалга оширилишида Кенгаш аъзоларига кўмаклашадилар.

7. Фахрийлар кенгашига архив соҳасида кўп йиллик хизматлари учун фахрийларни “Соҳа ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирлашга Агентлик раҳбарига таклиф киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Агентлик директори ўринбосари Ш. Садиков зиммасига юклансин.

Директор



У. Юсупов

“Ўзархив” агентлигининг Фахрийлар кенгаши таркиби

Т/р	Исми, шарифи ва фамилияси	Кенгашдаги ўрни, асосий иш жойи, лавозими
1.	Дилбар Тохировна Закирова	- Кенгаш раиси, Ўзбекистон Миллий архиви директори
2.	Барат Махмудович Ахмедов	- Кенгаш раиси ўринбосари, Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви директори
3.	Соҳиба Абдумаджидовна Пулатова	- кенгаш котиби, Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари миллий архиви бош архивчиси

Фахрийлар кенгашининг аъзолари

4.	Махсет Байниязович Қаипназаров	- кенгаш аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи
5.	Рахимберган Исмаилович Матрасулов	- кенгаш аъзоси, Хоразм вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи
6.	Сайёра Саидовна Бекова	- кенгаш аъзоси, Навоий вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи
7.	Дилдора Лутпуллаевна Кучарова	- кенгаш аъзоси, Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи
8.	Татьяна Давлетовна Фоменко	- кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Миллий архиви катта фонд сақловчиси
9.	Каромат Маннаповна Ширмухаммедова	- кенгаш аъзоси, Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви хўжалик бўлими мудир
10.	Гулсара Режипбаевна Сатибалдиева	- кенгаш аъзоси, Юқоричирчиқ тумани шахсий таркиб ҳужжатлари давлат архиви директори
11.	Кузьменко Валентина Ивановна	- кенгаш аъзоси, пенсионер
12.	Шухрат Мирайимович Турсунбоев	- кенгаш аъзоси, Агентлик директорининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси
13.	Жамолхон Баходирович Баходиров	- кенгаш аъзоси, пенсионер
14.	Мастура Тўхтамуратовна Хожиметова	- кенгаш аъзоси, пенсионер
15.	Гулнора Зайнутдиновна Бекмухамедова	- кенгаш аъзоси, пенсионер

**Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги
Фахрийлар кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) Ўзбекистон Республикаси “Ўзархив” агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) Фахрийлар кенгашининг (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) асосий вазифалари, функциялари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Кенгаш жисмоний шахсларнинг ихтиёрийлигига асосланиб, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаши органи ҳисобланади.

3. Кенгаш Агентлик, унинг тизимидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Архив иши ҳудудий бошқармалари, давлат архивларида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб келаётган ва нафақада бўлган ходимларни қўллаб-қуватлаш мақсадида ташкил этилади.

4. Кенгаш қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

5. Кенгаш таркиби ва Низоми Агентлик буйруғи билан тасдиқланади.

6. Кенгаш ошкоралик, жамоавийлик, ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлилик, ихтиёрийлик ва жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойиллари асосида фаолият юритади.

2-боб. Кенгашнинг асосий мақсад ва вазифалари

7. Кенгашнинг асосий мақсади архив соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб келаётган ва нафақада бўлган ходимларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, уларнинг бой иш тажрибасидан архив соҳасини ривожлантиришда кенг фойдаланиш, уларнинг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат.

8. Кенгашнинг асосий вазифалари:

архив муассасаларининг фаолияти устидан Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунида белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини ҳамда уларнинг жамиятимиз тараққиёти ва фуқаролар ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини очиб беришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил этишга кўмаклашиш;

архив иши ва иш юритишни янада такомиллаштириш, архив муассасалари фаолияти очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, коррупцияга қарши курашиш механизмларининг қонунчиликда белгиланган тартибларини жорий этиш, Агентлик

томонидан фахрийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

архив ходимларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг, айниқса, ёшларнинг архив иши ва иш юритишда малакасини оширишга, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга қаратилган тадбирларни ташкил этишга кўмаклашиш;

фахрийларнинг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлашда “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, бошқа соҳа фахрийлари кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш;

давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклигини амалга оширишда, ҳуқуқий механизмларни йўлга қўйилишида фаол иштирок этиш;

соҳада узоқ йиллар фаолият кўрсатиб келаётган ва нафақадаги ходимларни қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини янада ошириш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўла ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, катта авлоднинг архивларда тажриба алмашишини таъминлаб бориш, шунингдек, ёш архив ходимларини “Устоз-шогирд” анъаналарига садоқат, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш ишидаги ролини ошириш чора-тадбирларини кўриш;

соҳада узоқ йиллар фаолият кўрсатиб келаётган ва нафақадаги ходимларга тиббий-ижтимоий хизматлар билан таъминланишини назорат қилиш;

кексалар учун уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда турли ижтимоий-маданий тадбирлар, телемарафонлар, махсус спорт мусобақалари ва зиёлиларнинг бошқа вакиллари таклиф этган ҳолда ижодий кечалар ташкил этишга кўмаклашиш;

жисмоний тарбия машғулоти, кексаларни оммавий спорт мусобақаларига кенг жалб этишда фаоллик кўрсатиш;

кексалар орасида спорт-соғломлаштириш, муваффақиятли қариш, саломатлик учун шахсий масъулиятни юксалтириш каби тарғибот тадбирларини ташкил этиш;

тарихий қадамжолар, зиёратгоҳларга мунтазам саёҳатлар ва тадбирлар уюштириш.

9. Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ижтимоий-маънавий вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Кенгашнинг ҳуқуқлари

10. Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

архив соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган, фаол архивчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклиф киритиш, соҳадаги нуронийларнинг ҳолидан хабар олиш;

архив муассасаларидаги тинчлик, ҳамжихатлик муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омилларнинг сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш;

архив иши ва иш юритишда архивлар фаолиятини жамоатчилик асосида ўрганиш, “жамоатчилик фикри” қутисини ташкил этиш, муҳокама қилиш ва асосий фаолият бўйича камчиликлар юзасидан таклифлар киритиш;

ёш архивчиларни ножўя қилмишлардан ва урф-одатларимизга зид хатти-ҳаракатлардан қайтаришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

архив соҳасида фаол иштирок этиб келаётган, ташаббускор, фидоий ходимларни “Соҳа ифтихори” кўкрак нишонига тавсия этиш бўйича таклифлар киритиш;

архивларга мурожаат қилган фуқароларга ижтимоий-ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, келиб тушган мурожаатларни таснифлаш асосида халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ишларига кўмаклашиш;

заруратдан келиб чиқиб, ўз мажлислари ва тадбирларига давлат органларининг масъул ходимларини таклиф этиш;

архив соҳасида кўп йиллар фаолият юритиб келаётган ходимларнинг муаммоларини, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиб, бартараф этиш бўйича масъулларга тавсия бериш;

архив соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

Кенгаш Агентлик раҳбариятининг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Кенгашнинг таркиби

11. Кенгаш таркиби архив соҳасида кўп йиллар фаолият кўрсатган, раҳбарлик лавозимида ишлаган, соҳа тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшган, катта ҳаётий ва амалий тажрибага эга бўлган фаоллар, экспертлар, обрў-эътиборга сазовор бўлганлар, лидерлар, бошқаларга ибрат бўладиган кекса авлод вакиллари, архивнинг нафақадаги ходимлари билан шакллантирилиши мумкин.

12. Кенгаш таркиби 21 нафаргача аъзодан иборат бўлиши мумкин. Кенгаш раиси, кенгаш таркиби Агентлик директори томонидан тасдиқланади.

5-боб. Кенгашнинг фаолиятини ташкил этиш

13. Кенгаш раиси Кенгаш фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

14. Кенгаш ҳар чоракда бир марта (зарурат бўлганда навбатдан ташқари) чақиртирилади.

15. Кенгаш томонидан муҳокама этилган масалалар баённома тарзида расмийлаштирилади.

16. Кенгаш фаолиятини ҳудудларда фахрийлар билан ишлаш бўйича масъуллари мувофиқлаштиради.

17. Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармалари Кенгаш фаолиятини самарали ташкил этишга услубий ҳамда амалий жиҳатдан кўмаклашади.

18. Кенгашнинг йиллик фаолияти ҳисоботлари Ҳайъат йиғилишларида эшитилади.

6-боб. Яқуний қондалар

19. Кенгаш ўз фаолияти доирасида Агентлик олдида ҳисобдордир.

20. Кенгаш фаолиятини самарали ташкил этишга кўмаклашиш юзасидан Агентлик директори ўринбосарлари, архив иши ҳудудий бошқарма бошлиқлари шахсий масъуллиги белгиланади.